

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MANKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

19 декабрь 2018 й.г. № 1030

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига
ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида
(Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон банки ва халқаро
молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон
Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”
2018 йил 13 июлдаги ПҚ-3852-сон қарори)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 13 июлдаги ПҚ-3852-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, истеъмолчиларнинг янгидан ишга туширилаётган ва реконструкция қилинган электр қурилмалари лойиҳаларини келишиш ва ишга туширишга рухсатнома бериш тартибини такомиллаштириш ва аниқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси
қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.
2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой маддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.
3. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб уч ой ўтгандан кейин кучга киради.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.С.Султанов ва “Ўздавэнергоназорат” инспекцияси бошлиғи Д.И.Исақулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 19 декабрдаги
1030-сон қарорига
илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
айрим қарорларига киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 8-сон, 55-модда) 1-илова 75-позициясининг “Рухсат бериш (тартиб-таомиллар) характеридаги ҳужжатнинг номи” устунидаги “10” рақами “20” рақами билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 31 мартдаги 256-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 3-сон, 73-модда) 1-иловада:

а) 2-банднинг иккинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 5-банднинг олтинчи хатбошидаги “келишади” сўзи “кўриб чиқади” сўзи билан алмаштирилсин;

в) 23-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Сўровнома автоматик равишда электр таъминоти лойиҳасини кўриб чиқиш учун ХЭТКга ва келишиш учун “Ўздавэнергоназорат” ДИга юборилади”;

г) 24-банддаги “электр таъминоти лойиҳасини ХЭТК билан келишиш талаб этилмайди” сўзлари “эса уни ХЭТК кўриб чиқиши талаб этилмайди” сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 25-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“25. ХЭТК сўровнома тушганидан сўнг икки иш куни мобайнида электр таъминоти лойиҳасини кўриб чиқади ва ЭРИ билан тасдиқланган кўриб чиқиш натижаларини “Ўздавэнергоназорат” ДИга юборади.

Электр таъминоти лойиҳасини келишишда “Ўздавэнергоназорат” ДИ электр таъминоти лойиҳасини кўриб чиқиш натижалари бўйича ХЭТК тайёрлаган таклифларни ҳисобга олади.

“Ўздавэнергоназорат” ДИ сўровнома тушган кундан бошлаб қуйида келтирилган муддатлардан ошмаган муддатларда электр таъминоти лойиҳасини келишади ёки уни келишишни рад этади:

бир иш кунида – кучланиши 1000 В (1 кВ) гача бўлган электр қурилмалари учун;

беш иш кунида - кучланиши 6-10 кВ бўлган электр қурилмалари учун;

етти иш кунида - кучланиши 35 кВ ва ундан юқори электр қурилмалари учун.

Электр таъминоти лойиҳасини келишиш “Ўздавэнергоназорат” ДИнинг ЭРИси билан тасдиқланади”;

е) 26-банднинг тўртинчи хатбошидан “ХЭТК ва” сўзлари чиқариб ташлансин;

ж) 27-банддан “ХЭТК ва” сўзлари чиқариб ташлансин;

з) қуйидаги мазмундаги 27¹-банд қўшилсин:

“27¹. Агар сўровнома тушган кундан бошлаб ушбу Регламентнинг 25-бандида кўрсатилган муддат ўтгандан сўнг “Ўздавэнергоназорат” ДИ электр таъминоти лойиҳаси келишилганлиги тўғрисида хулоса бермаса, у ҳолда электр таъминоти лойиҳаси келишилган деб ҳисобланади”;

и) қуйидаги мазмундаги 31¹-банд қўшилсин:

“31¹. “Ўздавэнергоназорат” ДИ тақдим этилган ҳужжатларни уларнинг: ХЭТК томонидан берилган электр тармоқларига уланишнинг техник шартларига; техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги, шунингдек, электр қурилмаларида созлаш ва синаш ишлари ўтказилганлиги тўлиқлиги, баённомалар расмийлаштирилишининг тўғрилиги, эксплуатация қилиш ва ташкилий-бошқарув ҳужжатлари мавжудлиги, ходимларнинг малакаси мавжудлиги ва етарлилиги ва уларнинг электр қурилмасини эксплуатация қилишга тайёрлиги, мувофиқлик сертификатлари мавжудлиги юзасидан кўриб чиқади”.

к) 32-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“32. “Ўздавэнергоназорат” ДИ жойларга чиқиб бажарилган қурилиш-монтаж ва созлаш-ишга тушириш ишлари электр қурилмаларининг тузилиши қоидаларига, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқлиги, шунингдек, келишилган лойиҳа, ижро ва техник қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари мавжудлиги юзасидан электр энергияси истеъмолчиларининг электр қурилмаларини техник кўрикдан ўтказади”;

л) 33-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“33. “Ўздавэнергоназорат” ДИ сўровнома тушган кундан бошлаб қуйидаги муддатларда электр қурилмаларини ишга туширишга рухсатнома беради ёки рухсатнома беришни рад этади:

уч иш кунида – кучланиши 1000 В (1 кВ)гача бўлган электр қурилмалари учун;

беш иш кунида - кучланиши 6-10 кВли электр қурилмалари учун;

етти иш кунида - кучланиши 35 кВ ва ундан юқори электр қурилмалари учун.

Электр қурилмаларини ишга туширишга рухсатнома “Ўздавэнергоназорат” ДИ томонидан тасдиқланадиган, Ўзбекистон Республикаси Ажлия вазирлиги билан келишилган шакл бўйича электрон шаклда расмийлаштирилади ва “Ўздавэнергоназорат” ДИнинг ЭРИ билан тасдиқланади”;

м) 34-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“34. Зарур ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда тақдим этмаслик, тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки нотўғри маълумотлар мавжудлиги, электр энергияси истеъмолчиларининг электр қурилмаларини техник кўрикдан ўтказиш якунлари бўйича истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини монтаж қилишда камчиликлар, электроэнергетика соҳасидаги амалдаги техник норматив ҳужжатларнинг талабларидан четга чиқишлар аниқланганлиги, шунингдек, электр қурилмаларига

хизмат кўрсатиш учун тайёрланган ходимларнинг мавжуд эмаслиги каби камчиликлар рухсатномани беришни рад этишга асос бўлади.

Бошқа асосларга, шу жумладан, мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабли рухсат этиш тусидаги ҳужжатни беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Рухсат этиш тусидаги ҳужжатни беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришнома сўроқнома тўлдирилган ҳолда қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ташкилотларига ЯИДХП орқали юборилади, бунда рад этиш сабаблари кўрсатилади, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва тегишли ташкилотлар кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, қайта кўриб чиқиш учун ҳужжатларни топшириши мумкин бўлган муддат кўрсатилади. Қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ташкилотлари рад этиш сабабларини бартараф этиши ва қайта кўриб чиқиш учун ҳужжатларни топшириши ҳуқуқига эга бўлган муддат рухсат этиш тусидаги ҳужжатни беришни рад этиш тўғрисида билдиришнома олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

Қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ташкилотлари томонидан рад этишга асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, электр қурилмаларини ишга туширишга рухсатнома сўровнома қайтадан тушган кундан бошлаб икки иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда берилади.

Рухсатнома бериш масаласи такроран кўриб чиқилганда “Ўздавэнергоназорат” ДИ томонидан илгари рад этиш сабабларида келтирилмаган янги сабаблар кўрсатилишига йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи маълумотлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари бундан истисно;

н) Юридик ва жисмоний шахсларни электр тармоқларига улаш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш маъмурий регламентига 1-иловада:

III бўлим “Истеъмолчиларни қуввати 20 кВтдан юқори электр тармоқларига улаш”нинг 4 ва 5-босқичлари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

4- босқич	ЯИДХП	Сўровномани қуввати 20 кВтдан юқори электр энергияси истеъмолчиларининг электр таъминоти лойиҳаларини ХЭТКга кўриб чиқиш, шунингдек, “Ўздавэнергоназорат” ДИга келишиш учун юбориш.	Автоматик тарзда
5- босқич	“Ўздав- энерго- назорат” ДИ	1. “Ўздавэнергоназорат” ДИга электр таъминоти лойиҳасини кўриб чиқиш натижаларини юборади. 2. Электр таъминоти лойиҳасини ЭРИ билан тасдиқлаш йўли билан келишиш. 3. Келишилган электр таъминоти лойиҳасини ЯИДХП орқали лойиҳа ташкилотига юбориш.	2 иш куни мобайнида Кучланиши 1 кВгача бўлган электр қурилмалари учун 1 иш куни Кучланиши 6-10 кВ бўлган электр қурилмалари учун 5 иш куни Кучланиши 35 кВ ва ундан юқори бўлган электр қурилмалари учун 7 иш куни

IV-бўлим “Қуввати 20 кВтдан юқори бўлган электр энергияси истеъмолчиларининг электр қурилмаларини ишга туширишга рухсат бериш”нинг 3-босқичи қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

3- босқич	“Ўздав- энерго- назорат” ДИ	1. Электр энергияси истеъмолчиларининг электр қурилмаларини амалга оширилган қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишлари электр қурилмаларнинг тузилиши қоидаларига, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқлигини, шунингдек, келишилган лойиҳа, ижро ва топшириш-қабул қилиш техник ҳужжатлари билан таъминланганлигини жойларга чиқиб ўрганиш. 2. Электр қурилмаларини ишга туширишга рухсат бериш. 3. Электр қурилмаларини ишга туширишга рухсатномани ЯИДХП орқали қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ташкилотларига юбориш.	Кучланиши 1 кВгача бўлган электр қурилмалари учун 3 иш куни Кучланиши 6-10 кВ бўлган электр қурилмалари учун 5 иш куни Кучланиши 35 кВ ва ундан юқори бўлган электр қурилмалари учун 7 иш куни
--------------	--------------------------------------	---	---